

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14103-00

« 13 » июль 2017 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Уй-жой коммунал
хизмат кўрсатиш вазири
М.Х.Салиевга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ
*(“Парламент назорати тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг
15-моддаси асосида)*

Хурматли Музаффар Холдарбаевич,

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали тадбирдаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузаларида парламентга қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурларнинг жойларда ижро этилишини, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг бу борадаги фаолиятини тизимли асосда ўрганиб, таҳлил қилиш ва тегишли хулоса бериш тавсия этилган эди.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларидан иборат таркибда тузилган ишчи гуруҳи уйма-уй юриб фуқаролар билан учрашувлар ўтказиб ҳамда тегишли соҳалар ўрганиб келинмоқда.

Ўрганишлар жараёнида ҳудудларда ичимлик суви таъминот тизимини янада ривожлантириш мақсадида янги сув қувурлари тармоқлари, сув чиқариш қудуқлари, шунингдек, сув босимини ҳосил қиладиган минора ва резервуарлар барпо этилаётганлиги ҳамда реконструкция қилинаётганлиги натижасида кўпгина аҳоли пунктлари сифати ва хавфсизлиги бўйича замонавий талабларга мос қиладиган ичимлик суви билан таъминланаётганлиги кузатилди.

Лекин шу билан бирга, айрим хуудларда аҳоли билан учрашилганда тоза ичимлик суви таъминоти тизимини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлашда борасида муаммоларнинг мавжудлиги аниқланмоқда.

Хусусан, Асака тумани Файзиобод маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар қишлоқда узок йиллардан буён ичимлик ва оқава сув таъминотида узилиш борлиги, шу кунгача туман ва вилоят миқёсида ушбу муаммо хал этилмаётганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ёзма ариза билан **такроран** мурожаат қилдилар.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда **“Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига асосан Асака тумани Файзаобод маҳалла фуқаролар йиғинида узок йиллардан буён ичимлик ва оқава сув таъминотида бўлаётган узилишлар сабаблари ва уларни бартараф қилиш юзасидан кўриладиган чоралар хусусида жорий йил 1 август кунигача ёзма равишда асослантирилган тушунтириш беришингизни сўрайман.**

Илова 2 варақдан иборат

Ҳурмат билан,



О.Эгамов

